

И.А. МАТЖАНОВ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХСИЙ МАНФААТЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА
МАЖБУРИЯТЛАРИ**



ЧИЗИЛМА ВА СХЕМАЛАР

Нукус, ҚДУ-2012.

И.А. Матжанов. Жиноят процессида шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: чизилма ва схемалар (ўқув қўлланмаси). – Нукус, ҚДУ босмахонаси, 2012. 16-бет.

Қорақалпоқ давлат университети ўқув-услугий Кенгаши томонидан 2012 йил 28-январ 6-сонли баённомаси билан чоп этиш учун тавсия этилган.

Такризчилар:

юридик фанлар номзоди, доцент
С.Ш.Утемуратова

юридик фанлар номзоди
Т.Х.Файзуллаева

Мазкур ўқув қўлланмаси жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар ҳисобланган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқларини, уларни амалга ошириш чораларини ва бу шахсларга нисбатан қўлланиладиган Жиноят-процессуал кодексининг айрим моддаларни ўзида ифода этади.

Юридик олий ўқув юртлари талабалари учун мулжалланган.

Кириш

Бош стратетик мақсади очик сиёсатга асосланган Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий-демократик давлатнинг ва фуқаролик жамиятнинг шаклланиши халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган асосий ютуқларидан биридир. Давлатимиз том маънодаги мустақиллигини қўлга кириткандан сўнг ҳақли равишда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиб, давлат иқтисодиётининг ва сиёсатининг асосий йўналишини шахс манфаатларини ҳимоя қилишга қаратди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида қўйидаги фикрларга ўз эътиборини қаратиб ўтганди: “Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устивор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳирлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир”¹. Бу эса, ўз навбатида, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларининг нақадар олий қадрият эканлигидан далолат беради.

Биз бугун янги давлат, янги жамиятда яшаб, фаолият юритаяпмиз. Бунда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий муносабатлар одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос равишда кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Буларнинг барчаси демократик тамойилларга ва адолатли жамият талабларига уйғунлашади. Бу жараёнда «давлат» ва «шахс» ўртасидаги турли янги муносабатларнинг шаклланиши борасида инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлигининг юқори даражага қўйилиши муҳим ўрин эгаллайди. Жиноят процессида шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи иштирокчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳимоя қилиш ҳам бундан мустасно эмас.

Жиноят процесси давлатнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича фаолиятининг асосий тури ҳисобланиб, бундай фаолият у ёки бу жиноят ёки ижтимоий хавли қилмиш содир этилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган тақдирда ёки жиноятчиликнинг олдини олиш ҳаракатлари амалга оширилгандагина келиб чиқади.

Маълумки, ҳар бир жиноят шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказади. Шу сабабли жиноятларни аниқлаш, уларнинг содир этилиш ҳолатларини тергов қилиш, айбдор шахсларни фош этиш ва қонуний жазога тортиш давлатнинг жиноят-ҳуқуқий соҳадаги асосий вазифасига киради. Жиноят-процессуал қонунчилигининг юқорида келтириб ўтилган субъектлари орасида шахс – олийдир. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатининг асосий устуни – бу шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан юқори туриши, унинг (шахснинг) ҳуқуқ ва эркинликларининг муттасил равишда ҳимоя қилиб борилишидир.


¹ Каримов И.А. “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2006 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” 2007.

Жиноят процессида шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи иштирокчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари нафақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида, балки Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Асосий Қонунимизнинг 116-моддасида: «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади» деб кўрсатиб ўтилган. Демак, жиноят процессида шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари конституцион даражада, яъни «олий даражада» ҳимоя қилинади.

Шундан келиб чиқиб, ушбу ўқув қўлланмасида жиноят процессида шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи иштирокчилар: гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қоидалар чизилма ва схематик равишта келтириб ўтилган.


1. Жиноят процессида жиноят содир этишда гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб этилган шахс



Ҳуқуқни қўллаш амалиётида шахс терговнинг сўнгги босқичларида, айблов ҳулосасини тузиш арафасида айбланувчи деб тан олинганлигига оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тергов ишлари амалда айрим ҳолатларда гумон қилинувчига нисбатан олиб борилади. Шу сабабли гумон қилинувчи манфаатларининг сақланиши муҳим аҳамият касб этади.


Жиноят процессида гумон қилинувчи дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида иштирок этадиган ва шахсий манфаатларга эга ҳисобланган процесс иштирокчиси ҳисобланади. Жиноят ишини қўзғатиш ва уни юритиш давомида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир қаторда унинг шахсий манфаатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

2. Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари



Қонун гумон қилинувчининг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш учун унга ҳуқуқлар беради ва, унинг нимада гумон қилинаётганларини билиш ҳуқуқи унинг нима учун жиноий жавобгарликка тортилиши кераклиги ва нима учун айнан унга нисбатан эҳтиёт чораси кўрилиши кераклигидан хабардор бўлиш манфаатидан келиб чиқади. Айтиш керакки, бу каби манфаатнинг таъминланиши муайян қийинчиликлар келтириб чиқаради. Жиноят ишини юритиш амалиётидан маълумки, ижтимоий-хавфли қилмишнинг дастлабки таснифланиши ҳар доим ҳам тўғри бўлавермай, у дастлабки тергов жараёнида ўзгариши мумкин ва, бу билан гумон қилинувчининг ҳимоя тизимига жиддий таъсир ўтказиши мумкин. Бошқача айтганда, қонунга биноан аниқ, муайян гумон тақдим этилиши гумон қилинувчининг манфаатидандир.


3. Гумон қилинувчини ушлаб туриш



Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига асосан, жиноят содир этишда муомалага лаёқатли ҳарқандай шахс гумон қилинаётган ёки бевосита жиноят содир этаётган шахсни қўлга олиш ҳуқуқига эгадир, лозим бўлса, мажбурдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятчини қўлга олиши уларнинг ваколати ва мажбурияти.

Гумон қилинувчини ушлаб туриш муддати 72 соатни ташкил этади. Бу муддат суд томонидан терговчининг илтимосномасига кўра яна 48 соатга чўздирилиши мумкин.

4. Жиноят процессида айбланувчи, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва манфаатлари



Амалда жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланаётган, лекин расман гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида тан олинмаган шахс адвокат хизматларидан фойдаланиши, далиллар тақдим этиши ёки ЖПК да гумон қилинувчи учун кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан сўроқ қилиш мақсадида чақирилган ҳар қандай шахс, айбланиш эҳтимолидан эҳтиёт бўлган ҳолда, шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, юридик ёрдам олиш учун сўроққа адвокат билан бирга келиш ҳуқуқига эга. Бундай имконият ЖПК 66¹-моддасида бежиз назарда тутилмаган.

Шахсининг жиноят содир этилишига тааллуқли эканлиги тўғрисидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва, албатта, етарли даражадаги далиллар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Етарлича исботлашнинг имкони бўлмаган тақдирда жиноий таъқиб тўхтатилиши шарт.

Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ЖПК 46-м.)

Ҳуқуқлари

Айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш, қаймоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан ҳоли учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош торттиш ва кўрсатувларидан жиноят ишга доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш, ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматида фойдаланиш, ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишнинг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

- Судланувчи охири сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Мажбуриятлари

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўнғиритишга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўққинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ақримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўққинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.


Айбланувчига кўрсатув бериш шунингдек ўзининг айбдор эканлигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти нақланиши мумкин эмас.

Айбланувчининг шикояти прокурор томонидан уч кун ичида қўриб чиқилиши ва тегишли тартибда ҳал қилиниши лозим.

Айбланувчининг манфаатлари қаторига қуйидагилар киради: унга тегишли ҳуқуқлар тақдим этилиши; унинг қилмишига аниқ тасниф берилиши; ишнинг боришидан хабардор бўлиб туриш; бунга асос бўлганида, жиноят ишини ўз вақтида тўғатиш; жазо ва мулкый жавобгарлик турининг номувофиқлигидан қочиш; нисбатан енгилроқ эҳтиёт чорасининг қўлланиши ва ҳ.к.


Шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб этиш ва айбловни ўзгартиш бунинг учун етарлича далил йиғилган заҳоти, зудлик билан амалга оширилиши шарт. Дастлабки тергов тугаши олдида айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш шахснинг ҳимоясини ҳамда ўз изохларини асослаб бериш имкониятини мураккаблаштиради. Бундай ҳолларда айбланувчи ўз манфаатларини вақтида ва тўлиқ амалга ошириш имкониятидан махрум бўлади.

5. Айблилик масаласини ҳал этиш тартиби




Қонуний манфаатлар ҳимояси жиноят процесси иштирокчиларининг узвий ва жиддий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжи бўлиб, уларнинг шахсий хусусиятга эга эканлигининг сабаби, жиноят ишининг қандай тугалланиши улардан ҳар бирининг процессуал ҳолатига бевосита таъсир қилишидан иборат. Демак, айбланувчи ёки жиноят процесси бошқа иштирокчисининг, уларга берилган ҳуқуқларни амалга оширишга бўлган шахсий муносабатидан қатъи назар, жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқишда уларнинг қонуний манфаатлари таъминланиши шарт.

6. Жиноят процессида жабрланувчи, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва манфаатлари




Умумий маънода жабрланувчи манфаатлари жиноий таъқибни амалга ошираётган ва айбловни қўллаб-қувватлаётган органлар ва шахслар манфаатлари билан мос тушади. Демак, жабрланувчининг асосий манфаати – айблов бўлиб, у ижтимоий хавфли қилмиш ва уни содир этган шахс тўғрисида ариза бериш орқали амалга оширилади.

Жабрланувчи ўз манфаатларини фақат жиноят-процессуал қонун доирасидаги унинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб ва ҳуқуқлари тушунтирилганидан сўнг амалга ошириши мумкин. Шахснинг ўз вақтида жабрланувчи деб тан олиниши – асосий манфаат ҳисобланиб, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қила бошлаш вақтидир.



Жабрланувчи манфаатлари процессуал ва моддий хусусиятга эга. Процессуал манфаатлар қуйидагилардан иборат: одил судга эришишни таъминлаш; уни жиноят ишини тергов қилишнинг дастлабки босқичида-ёқ жабрланувчи сифатида тан олиниши, бу унинг ўз манфаатларини вақтида ҳимоя қилиш ва амалга ошириши имконини беради; ўз процессуал ҳуқуқларини суд иши юритиш жараёнида реал амалга ошириш имкониятига эга бўлиш; айбдорни жиноий жавобгарликка жалб этиш ва унга жазо чорасини тайинлаш; жабрланувчи билан ярашиб, етказилган зарар ўрнини қоплаган айбланувчига нисбатан жиноят ишини тўғатиш; жиноят ишини тўхтатиб туриш ва тўғатиш тўғрисидаги қарорлар нусхаларининг тақдим этилиши.

7. Жиноят процессида фуқаровий даъвогар



Фуқаровий даъво жиноятдан моддий зарар кўрган шахснинг аризаси келиб тушганидан кейин жиноят процессида кўриб чиқилиши мумкин. Бу даъвогар ҳуқуқларининг тикланишини тезлаштиради.

Фуқаровий даъвони жиноят процессидан чиқариб ташлаш тўғрисида фикр мавжуд. Бу фикр жиноят процесси жиноят содир этишда айбдор шахсларни аниқлаш ва фош этишга қаратилганлиги ва, фуқаролик-ҳуқуқӣ ёки бошқа жавобгарлик бунга боғлиқ эмаслиги билан асосланади (В. Бозров). Жиноят процессидаги фуқаровий даъво жабрланувчи томонидан тақдим этилади ва жиноят содир этиш шарт-шароитлари билан боғлиқ. Фуқаровий даъвони асослаш жиноят иши бўйича исботлаш предметлари таркибига киргани сабабли, зарурий жиноят-процессуал институтларидан ҳисобланади.

Фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ЖПК 57-м.)

Фуқаровий даъвогар: фуқаровий даъво кўзғатиш ва уни қувватлаш, далиллар тақдим қилиш, кўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш, илтимоснома бериш ва рад қилиш, суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш, дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш, суд ҳукми ва ақрими-нинг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш, иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун давлат божи ундирилмайди.

Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатмаган шахс, шунингдек, даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўзғатишга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим этиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохтагаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар билан тўқинлик қилмаслиги, ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айни вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради.

Фуқаровий даъво кўзғатиши мумкин:

→ жиноят натижасида моддий-маънавий зарар кўрган шахс

→ корхонага, муассасага ёки ташкилот


→ прокурор

моддий-маънавий зарар жиноят оқибатида етказилганлиги исботланмаса, фуқаровий даъво кўзғатилмайди ва фуқаровий даъвогар жиноят процессининг иштирокчиси бўла олмайди

Жиноят ишини юритишда фуқаровий даъво жиноят иши кўзғатилган вақтдан бошлаб, суд муҳокамаси бошланишидан илгари тақдим этилиши мумкин. Агар, шахс бу вақтда даъво тақдим этмаган ёки унинг даъвоси кўриб чиқилмаган бўлса, у даъвони фуқаролик суд иши юритиш тартибида бериши мумкин.

Фуқаровий даъвогар манфаатлари ҳимоясида ишда жавобгарнинг иштироки муҳим ўрин тутadi, аммо фуқаровий жавобгарни мажбурий келтириш, айниқса мулкӣ ва/ёки маънавий зарар ўрнини қоплашга оид ишлар бўйича қонунда назарда тутилмаган бўлиб, бу ҳол тарафлар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳалақит беради. Фикримизча, суд ишини юритаётган шахслар, фуқаровий жавобгар иштирокини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши лозим.

8. Жиноят процессида фуқаровий жавобгар



Фуқаровий жавобгар манфаатлари орасида етказилган мулкӣй, айниқса маънавий зарар ҳажмини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Фуқаровий жавобгар етказилган зарар ҳажмининг камайтирилиши ва унинг ўрнини тўлдириш муддати кечиктирилишидан манфаатдор.

Ҳардоим ҳам фуқаровий жавобгар сифатида жиноят содир этган шахс тан олиनावермайди. Вояга етмаган айбланувчининг ота-оналари (фарзандликка олувчилари) кўзғатилган фуқаровий даъво бўйича жавобгар сифатида тан олиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган маросимда 2005-йил 8 декабрда сўзлаган маърузаси.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
4. Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги 2010-йил 12 ноябрда сўзлаган маърузаси.

II. Ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар

1. Конституция Республики Узбекистан (с изменениями и дополнениями). – Т.: Ўзбекистон, 2008. - 40 с.
2. Конституция Республики Каракалпакстан (с изменениями и дополнениями). – Нукус, 1998. - 50 с.
3. Уголовный кодекс Республики Узбекистан от 22 сент. 1994 г. – Т.: Министерство юстиции Республики Узбекистан, 2008. - 396 с.
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан от 22 сент. 1994 г. – Т.: Министерство юстиции Республики Узбекистан, 2009. - 672 с.

III. Махсус адабиётлар

1. Jinoyat protsessi: (umumiy qism): Yuridik institut va facultetlari talabalari uchun darslik (Z.F.Inogomjonovaning umumiy tahriri ostida). – Т.: Adolat, 2007. - 596 б.
2. Жиноят процесси: дарслик. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2008. - 383 б.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.А.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. - 704 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009. - 950 б.